

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 132 (388), 2021 йил 30 июнь, чоршанба



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини таваддуру билан самимий табриклар, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар Туркменистон халқига тинчлик-оқошлар ва раванқ тилади.

Сўхбатда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам ва сермахсул мулоқотлар туфайли Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустақамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни

давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Ҳамкорлик бўла-диган янги лойиҳаларни илгари суришда Ҳукуматлараро комиссия алоҳида ўрин тутуши қайд этилди.

Етакчилар жорий йилда Туркменистонда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ташкил этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Бўлажак кўп томонлама тадбир дастурини пухта тайёрлашга келишиб олинди.

Президентлар халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашиб, Афғонистондаги, жумладан, ушбу мамлакат шимолӣ чегараолди ҳудудларидаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек илиқ, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшларига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда.

Бу жараёнда ўз тақдир ва келажagini Ватанимиз тақдир ва истиқболи билан узвий боғлиқ ҳолда кўрадиган, шу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, жасорат ва матонат кўрсатишга тайёр бўлган, замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган ўғил-қизларимиз сафи тўбора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз раванқига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган фаол ва етакчи ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар давлат мукофотлари билан тақдирлансин:

#### “Меҳнат шўхрати” ордени билан

Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори

#### “Дўстлик” ордени билан

Абдураимов Беҳзод Абдуразакович — Америка Қўшма Штатлари Миссури штатидаги Парк университети мусиқа маркази резиденти

Данияров Абатбай Сапарбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи

Забродина-Саттарова Инара Наилевна — Ученла туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийси, Тошкент шаҳри

Каттаханова Дилнозахон Собир қизи — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари

Норматов Хуршид Абдурашидович — Фарғона шаҳридаги “Uz-Segang” қўшма корхонаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### “МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятда эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

“Мард ўғлон” давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 28 та мукофот ўрнига 2021 йил учун истисно тариқасида 29 та мукофот берилиши белгилансин.

2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноиб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

#### Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 28 июнь

“Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати 2-бетда

## “Янги Ўзбекистон” учун махсус

### МДҲ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ФОРУМИ

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича фикр алмашиш учун муҳим майдонга айланади



Ахборот хавфсизлиги бўйича МДҲ халқаро экспертлар онлайн форуми, Тошкент, 2021 йил 29 июнь

Тошкентда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва МДҲ Ижроия қўмитаси кўмағида Тошкент шаҳрида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича МДҲ халқаро экспертлар форуми ўтказилди.

Унда Марказий Осиё, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Россия ва Молдова сингари мамлакатлар вакиллари, халқаро ташкилотлар ва етакчи таҳлил марказлари мутахассислари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Давоми 3-бетда



## МУНОСАБАТ ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКАГА ЎТИШ МАНБАИ

Абдулла ХУРСАНОВ,  
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси

Менделеев даврий жадвалидан 29-тартиб рақами билан жой олган мис кимёвий элементи табиатда нисбатан кам тарқалган. Шу боис, дунёда кундан-кунга унга талаб ортиб бораётган. Халқаро экспертларнинг фикрича, электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда.

ҳали етарли эмас. Мисдан келадиган даромад бугунги кунда 2,5 миллиард долларни ташкил этапти. Шу боис, Президентимиз раислигида жорий йил 28 июнь куни мис ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда саноат кластерини ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда келгуси 5 йилда унинг ҳажмини 400 минг тоннагача етказиш орқали, мисдан олинмаган даромаднинг турдош тармоқлар билан бирга 7-8 миллиард долларга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Давоми 3-бетда

## 30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ



### ХАЛҚАРО МАЙДОНДА РАҚОБАТГА КИРИША ОЛАДИГАН, замонавий фикрлайдиган, ҳар соҳада билимдон ёшлар мамлакатга таянч бўлади



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,  
Ёшлар ишлари агентлиги директори

Президентимиз ташаббуси ва амалий кўмағи туфайли мамлакатимизда ёшлар муносабати мутлақо янги bosқичга кўтарилмоқда. Кейинги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим яратилди. Ўғил-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, бу йўлда улкан ишлар бажарилмоқда.

сиёсатига доир 5 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 7 та фармони, 14 та қарори, 2 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 23 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинган.

Ёшлар сиёсати ҳақида сўз юритганда, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки ҳужжат — “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун орқали муносабатлар механизми тартибга солинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз тарихида илк марта 30 июннинг Ёшлар куни сифатида

белгилангани келажак авлод масаласи том маънода давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Айни пайтда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламентлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Давоми 4-бетда

Охириги 5 йилда мамлакатимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баравар ошди, 2020 йилда 148 минг тоннага етган. Аммо ундан юқори қўшилган қий-матли маҳсулотлар тайёрлаш ишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н ИЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ  
ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ  
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Юдаков Александр Андреевич** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази катта илмий ходими

**“Келажак бунёдкори” медали билан**

**Абдатов Шаҳноза Буриевна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ховос тумани 16-умумий ўрта таълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

**Абдиназаров Абдурахмон Зокиржон ўғли** — Қизилқум тумани маданият бўлими мутахассиси, бахши, Сурхондарё вилояти

**Абдурақоқов Оллоёр Алижон ўғли** — Учқўприк туманидаги “Меҳригё” хусусий корхонасининг экспорт-импорт масалалари бўйича директори, Фарғона вилояти

**Абдурахмонов Нуриддин Улуғбекович** — Хўжаобод туманидаги “Олий стандарт тех” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Асадуллаева Висола Бехзод қизи** — Андижон шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Андижон вилояти

**Атакулова Наргиза Абдиганиевна** - “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг рух заводи лаборанти, Тошкент вилояти

**Ахмеджанов Музаффар Бахтиёр ўғли** — Наманган шаҳридаги “Даштбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Жовлиев Жавлонбек Ортиқович** - Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг таянч докторанти

**Жолдасова Шаҳноза Батировна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти раиси

**Исламов Шамардан Баходир ўғли** — Жиззах шаҳридаги “Самандар ширинликлари” оилавий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Ким Денис Витальевич** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

**Маммадиев Фарходбек Қобил ўғли** — Андижон туманидаги “Clasika Shoes International” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Мухторов Мардонхўжа Мухаммаджон ўғли** — Бувайда туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

**Мухаммадюнусова Моҳистара Мухаммадилхон қизи** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти раиси

**Ортиқов Умиджон Тўхтасин ўғли** — Тошкент давлат шарқшунослик университети академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси

**Полвонов Аббосхон Саидабборхон ўғли** — Поп туманидаги “Chodak nihol tex” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Пўлатов Жаҳонгир Холбой ўғли** — Тошкент шаҳридаги “Cambridge” ўқув маркази бош директори

**Рухиддинов Хайрулла Хайридин ўғли** — Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Сайдуллаева Шодиёна Сайфулла қизи** — Навоий шаҳридаги “Minor Millenium” масъулияти чекланган жамиятининг минорали кран машинисти, Навоий вилояти

**Торемуратов Нзаматдин Бегдиярович** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Бўзатов тумани бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ўроқова Маҳлиё Тоштемировна** — Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, Самарқанд вилояти

**Фарманов Бобур Бахромонович** — “Ziyo Forum” илм, фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш фонди директори

**Хакимов Сардор Анваржон ўғли** — Олтиариқ туманидаги “Олтиариқ баракали” фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

**Хожиев Дилшодбек Максудбек ўғли** — Тупроққалъа туманидаги “New Best Style” масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Хоразм вилояти

**Холбоева Шоҳсанам Анваржон қизи** — Тошкент давлат педагогика университетининг 1-босқич магистранти

**Худаёров Уйғун Холмурод ўғли** — Яқкабўғ туманидаги “Қорабайир” отчилик мажмуаси чавандози, Қашқадарё вилояти

**Чуянова Елена Алижан қизи** — Халқаро Пресс-клуб бўлими бошлиғи

**Шакиров Саид Равшан Собирович** — Бухоро шаҳридаги “Monday Labs” масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Шерматова Ирода Бахтиёр қизи** — Тошкент фармацевтика институтининг таянч докторанти

**“Шуҳрат” медали билан**

**Абдуллаев Гуломжон Озодович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Абдимуродов Акмал Абдиходид ўғли** — Сергели туманидаги “Машхур Тоҳир Зухро” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати директори, Тошкент шаҳри

**Абдуназаров Собир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот-таҳлил ва ижро нazorати бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Абдуразақов Бунёдбек Бегижон ўғли** — Асака туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси, Андижон вилояти

**Абжалилова Сабохатхон Соибжон қизи** — Жалақудуқ туманидаги “Ҳарир тола” масъулияти чекланган жамиятининг ипак курти боқувчиси, Андижон вилояти

**Адхамжонов Темурбек Бахтиёр ўғли** — “Нажот таълим маркази” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Артиқходжаева Барнохон Алишер қизи** — Ўзбекистон Миллий университетининг таянч докторанти

**Ахмедова Иродахон Шохитбековна** — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

**Ахмедова Нилуфар Илҳомбой қизи** — Республика ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлинимаси инклюзив таълим тўғараги раҳбари

**Балтабаева Наргиза Бахадировна** — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бердимуратов Жалгасбай Карлибай ули** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Буранов Отабек Ибрагимович** — Ангор туманидаги “Ангор Сурхон ғурури” масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

**Дайбекова Зайнаб Казбековна** — Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Жафаров Саиджамшид Рустам ўғли** — Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси, Бухоро вилояти

**Жовлиева Севинч Фахриддин қизи** — Яшнобод туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик бўлими ўқувчиси, Тошкент шаҳри

**Жумаев Рамозон Хасанович** — Шўрчи туманидаги “Ҳасан ота асаллари” фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Жумаев Эргаш Рuzимурадович** — Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Туркия Республикасидаги вакили

**Изатуллаев Шохрух Алишер ўғли** — Бекобод туманидаги “Yüksalish Premier Group” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Исломов Мажидхон Шамсиддинович** — Ургут туманидаги “Ургут саноат сервис” оилавий корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Қурбонов Бобур Самадулло ўғли** — Қарши шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг қақурувгача ёшларни тайёрлаш раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Қўчқоров Фазлиддин Эргаш ўғли** — Шайхонтохур туманидаги “Premium Village” масъулияти чекланган жамияти архитектори, Тошкент шаҳри

**Мамталиева Фотимахон Одилжон қизи** — Олтинқўл туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Матниязова Гулноза Жумабой қизи** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мустаева Елена Юрьевна** — Наманган шаҳридаги Президент мактаби директори ўринбосари, Наманган вилояти

**Мусурмонов Алишер Қахромонович** — Жиззах шаҳридаги “Alitech Website Solutions” хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Реимбаева Саиёра Жолдасбаевна** — Қўнғирот туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рустамов Руслан Улуғбекович** — Қарши туманидаги “Ruslan Media” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Садуллаева Сафина Эркиновна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Содиқов Сардор Содиқович** — Қарши шаҳридаги “Global Education in Karshi” нодавлат таълим муассасаси директори, Қашқадарё вилояти

**Сулаймонов Соҳиб Самадович** — Қоровулбозор туманидаги “Вухого Real Moto” масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**Тошкент шаҳри,  
2021 йил 29 июнь**Ш. МИРЗИЁЕВ**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 28 июндаги ПҚ–5164-сон қарорига илова**“Мара ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар  
РЎЙХАТИ**

**Мадраимов Рустамжон Маткаримович** — Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Нурниязов Арман Арзубай ули** — Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Бекташев Ислонжон Бахтиёр ўғли** — Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси (Андижон вилояти)

**Олимов Хайрулло Холмирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Андижон вилояти)

**Жумаев Жаҳонгир Уктам ўғли** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг гуруҳ катта мутахассиси (Бухоро вилояти)

**Раҳматов Анварбек Зуфаржонович** — Қорақўл туманидаги халқаро математика мактабининг 9-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

**Сафаров Қодир Қоплонбек Абдужалил ўғли** — Жиззах политехника институтининг 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

**Турдиқулов Ҳамидулла Алишер ўғли** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 2-босқич ўқувчиси (Жиззах вилояти)

**Абдурашидов Бобур Камолович** — Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 4-босқич курсанти (Қашқадарё вилояти)

**Кароматов Давурхон Фозил ўғли** — Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

**Петров Логин Александрович** — Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

**Шаропов Шохрух Шавкатович** — Кармана туманидаги “Karmana Al-Aziz Avitsenna” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси (Навоий вилояти)

**Асилбеков Ислон Эгамберди ўғли** — Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Умурзаков Бекзод Нemat ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Учқўрғон тумани қўриқлаш бўлими сафдор-ходими (Наманган вилояти)

**Абдуллаев Абдурахмон Ферузович** — Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

**Орипов Шахзод Илхом ўғли** — Самарқанд вилояти Ургут тумани факуллодада вазиятлар бўлимининг ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

**Фахриев Жаҳонгир Алишерович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

**Каримов Дилшод Машраб ўғли** — Оқолтин туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (Сирдарё вилояти)

**Мавлонов Ёрбек Абдуваит ўғли** — Сирдарё вилояти “New Level Shoes” оилавий корхонаси раҳбари

**Аюбжонов Асадбек Ўлмасович** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 8-синф ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

**Муродуллоев Маъруфжон Файзулло ўғли** — Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

**Авазов Сардоржон Эркин ўғли** — Тошкент давлат аграр университетининг қишлоқ хўжалиғи фитопатологияси кафедраси профессори (Тошкент вилояти)

**Султонов Абдулазиз Абдурахим ўғли** — “Заковат” интеллектуал клуби нодавлат нотижорат ташкилоти мутахассиси

**Сухинин Никита Викторович** — Юнусобод тумани электр таъминоти корхонаси электр монтаж, Тошкент шаҳри

**Ташов Мизроб Махмудович** — Самарқанд шаҳридаги “Меъмор Ўткир Човка” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Турдибекова Ситора Шавкат қизи** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Тўхсанов Шахрилло Ғайбулло ўғли** — Халқаро фрилансерлик платформалари фрилансери, Бухоро вилояти

**Убайдуллаев Абдувоҳид Муҳиддин ўғли** — Бағдод туманидаги “Бағдод замин асали” деҳқон хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

**Убайдуллаев Нуриддин Тохир ўғли** — Тошкент давлат педагогика университетининг таянч докторанти

**Ўктамова Нигина Жасур қизи** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Умаров Максимижон Мамуржонович** — Олтиариқ туманидаги “Мавсум агрологистика” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Фарғона вилояти

**Усенов Саламат Батирханович** — Конимех туманидаги “Конимех-Саржал-Қосай” масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

**Хайдаралиев Миржалол Махмуджон ўғли** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси

**Ҳакимова Шахнозахон Кахрамон қизи** — Олтинқўл туманидаги хунарманд-дўппидўз, Андижон вилояти

**Хатиев Комилжан Жавлиевич** — Мирзачўл туманидаги деҳқон хўжалиғи ишчиси, Жиззах вилояти

**Холбаева Наргиза Ибадуллаевна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти Кенгаши раиси

**Худайшуқуров Дилмурод Холмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

**Цой Владимир Эдуардович** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази кичик илмий ходими

**Шарифова Муштарий Ихтиёр қизи** — “Tesla” компаниясининг ахборот технологияларини режалаштириш бўйича таҳлилчиси

**Шодиев Аббос Неъмат ўғли** — Навоий давлат кончилик институтининг металлургия кафедраси доценти, Навоий вилояти

**Юлдашев Ойбек Баходир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**Тошкент шаҳри,  
2021 йил 29 июнь**Ш. МИРЗИЁЕВ**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 28 июндаги ПҚ–5164-сон қарорига илова



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



МДҲ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ФОРУМИ

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича фикр алмашиш учун муҳим майдонга айланади

Бошланиши 1-бетда

Анжуман иштирокчилари ва экспертлари “Дунё” АА муҳбирига замонавий дунёда хавф-хатар ва таҳдидларга қарши муваффақиятли курашиш учун яқин ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг фикрича, Тошкент форуми МДҲ мамлакатлари олимлари ва мутахассисларига ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, илгор тажриба алмашиш, тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш ва глобал “рақамлаштириш” даврида жамиятнинг заиф томонларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўлида яна бир қадам ташлаш имкониятини берди.



Унинг қайд этишича, турли кучлар ахборот технологияларининг тарқалиш кўламини ҳисобга олган ҳолда улардан мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашиб, адоват ва зўравонликни кўзга тутиш тўбора кўпроқ фойдаланишига уринмоқда.

МДҲ Ижроия қўмитаси раисининг сўзларига кўра, замонавий шароитда ахборот маконини химоя қилиш амалда миллий хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан ҳаммаҳангдир, шунинг учун бу соҳадаги давлатлараро муносабатларни тартибга солиш ва унификация қилиш ҳамдўстлик органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. МДҲ тармоклар ва ҳудудлар кесимида жалб қилинган ва ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобини юртишни тақомиллаштириш бўйича тақдир ишлаб чиқиш.

Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Ахборот технологиялари институти директори ўринбосари Шокир Мехтиева.

Унинг сўзларига кўра, ҳозир Озарбайжонда рақамли трансформация бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. “Озарбайжон Республикасида



телекоммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича стратегик “йўл харитаси” (2017-2025 йиллар), “Озарбайжон 2030: ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг миллий устувор йўналишлари (2021 йил)”, “Саноат 4.0 асосида мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш сиёсати” шулар жумласидандир.

Ш.Мехтиева ушбу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш меъриёв-ҳуқуқий заминни тақомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш ва молиялаштириш, ахборот хавфсизлиги соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришни назарда тутишни қайд этди.

Шу билан бирга, экспертнинг фикрига кўра, МДҲ форуми ахборот маконидagi мавжуд таҳдидларга қарши курашиш бўйича илгор тажриба алмашиш ва ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш учун муҳим майдон ҳисобланади.

Тожикистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори Хуршед Зийёев ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари нафақат МДҲга аъзо давлатлар, балки бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам долзарб, деб ҳисоблайди.

Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг ҳозирги ҳолати эски хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг ўсиши ҳамда давлат, минтақа ва дунё хавфсизлигига янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади, — деди у ўз шарҳида. — МДҲга аъзо давлат-



лар минтақавий ва жаҳон сиёсатининг фаол иштирокчиси сифатида кўп асрлик тарихий алоқаларга эга бўлиб, минтақавий ва халқаро ҳарбий-сиёсий иқлим кескинлашувининг салбий таъсирини бошдан кечирмоқда.

Кўпгина маърузачилар томонидан қайд этилганидек, ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиши дунё ҳамжамиятига халқаро ахборот



роҳ хавфсизлигини таъминлаш тизими заиф эканлиги яққол кўрсатмоқда.

Давлатлик ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари мустаҳкамланишининг янги босқичида турган Тожикистон халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида ахборот ва рақамли технологияларини қўллашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш, бир томондан, давлатнинг ўз иқтисодиётини ривожлан-

тириш учун кенг имкониятлар очади, бошқа томондан эса бундай қадам давлатнинг ахборот хавфсизлиги таъминлаши масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини талаб этади.

Кўп томонлама форматда Тожикистон халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Тошкент форуми ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши жараёни ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари борган сари жуда долзарб аҳамият касб этаётганининг яққол тасдиғидир. Шундай нуфузли доира қамровида минтақа учун ҳаётини муҳим муаммоларни муҳокама этиш амалий тақдир ишлаб чиқиш имконини берадики, уларнинг ҳаётта татбиқ этилиши бутун минтақа фаровонлигига хизмат қилади. Шу боис, доимий равишда мониторинг қилиш ва мамлакатларимиз ҳукуматларига тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида МДҲга аъзо давлатларнинг мунтазам фаолият кўрсатадиган эксперт-таҳлил форумини яратиб муҳимдир. Умид қиламанки, Тошкент анжумани келажакда МДҲ маконида айнан шундай муҳим майдон бўлиб хизмат қилади.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021 – 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳўкимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

2021 йилнинг январь-май ойлари якунига кўра Инвестиция дастурига мувофиқ, жами 4,4 млрд. доллар миқдорда инвестициялар ўзлаштирилган ёки ҳисобот даврида ўзлаштириш кўрсаткичлари прогнолга нисбатан 110 фоизга бажарилиши таъминланган.

Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар — 2,4 млрд. долларни ёки прогнолга нисбатан 125 фоизни; халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкуматлар молия ташкилотлари маблағлари — 798,8 млн. долларни ёки прогнолга нисбатан 101 фоизни ташкил этган.

“Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзсаноат-қурилишматериаллари” уюшмаси, Фармацевтика соҳасини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш прогноз кўрсаткичлари ортиги билан бажарилган.

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкуматлар молия ташкилотлари маблағлари асосан энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик соҳаларига, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ва таълим соҳаларига йўналтирилди.

Бундан ташқари, Инвестиция дастури доирасида қиймати 907,0 млн. долларга тенг бўлган 29 та ийрик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватлари ишга туширилди ҳамда 6 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шунингдек, мажлис давомида инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Войтов, энергетика вазир А.Султанов, қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.Ходжаев, соғлиқни сақлаш вазири А.Хаджибаев, Бухоро вилояти ҳўкимининг ўринбосари

Р.Асадов, Навоий вилояти ҳўкимининг ўринбосари К.Хасанов, Самарқанд вилояти ҳўкимининг ўринбосари О.Ходжаев, Тошкент шаҳар ҳўкимининг ўринбосари Ш.Раҳмонов, “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси С.Саифназаровнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ҳисоботлардан кейин тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкуматлар молия ташкилотларининг маблағларини ўзлаштиришдаги камчиликлар кўриб чиқилиб, масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан таъсир чоралари кўриш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкуматлар молия ташкилотларининг маблағларини самарали ўзлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Бунда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жорий йил якунига қадар ойма-ой ишга тушириш графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

етақчи консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда иқтисодиёт тармоклари ва ҳудудларнинг инвестицияга бўлган талабини ўрганиб, хорижий инвесторлар учун инвестиция лойиҳалари бўйича тақдирлар пакетларини шакллантириш;

тармоклар ва ҳудудлар кесимида жалб қилинган ва ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобини юртишни тақомиллаштириш бўйича тақдир ишлаб чиқиш.

МУНОСАБАТ



Жорий йилнинг I чорагида корхонада 132,9 миллион долларлик мис экспорт қилиш белгиланган бўлса, қулай конъюнктура туфайли бу кўрсаткич 231 миллион доллардан ошишига эришилди.

ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКАГА ЎТИШ МАНБАИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 июнда қабул қилинган “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлади. Мазкур ҳужжат тарихий қарор бўлди, десак муболаға эмас. У ўзида мис хомашёси базасини кенгайтиришда тортиб, уни қайта ишлаш ва кадрлар тайёрлаш масалаларини қамраб олади.

Айни пайтда мис ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ишлари бошланган. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3-мисни бойитиш фабрикаси қурилиши ҳамда йиллик қазиб олиш ҳажми 60 миллион тонна атрофида бўлган янги “Ёшлик” конини ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу йил 35 миллион кубдан кўпроқ қазил ишлари амалга оширилди.

Бугун комбинат корхоналарида молибден, рений, рух купороси, кадмий, вольфрам, палладий каби нодир ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарилади, унинг асосий маҳсулоти мис ҳисобланади. Бундан бир неча йил аввал корхонада 98 минг тонна мис ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтга келиб бу кўрсаткич қўшимча 50 минг тоннага ортди.

Ҳозирги вақтда миснинг бозордаги нархи асосида дунё иқтисодиёти йўналишини мўлжал қилиш, прогноз тузиш, технологиялар ривожининг у ёки бу тарафга ўзгаришини олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлиб қолди. Дунё бозорид мисга бўлган талаб ва махсулот нархининг ошиб бориши “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг экспорт салоҳиятига, бу орқали юртимиз иқтисодиёти ўсишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, жорий йилнинг I чорагида корхонада 132,9 миллион долларлик мис экспорт қилиш белгиланган бўлса, қулай конъюнктура туфайли бу кўрсат-

кич 231 миллион доллардан ошишига эришилди.

Миснинг асосий қисми — 60-70 фоиз



зи қулай логистика туфайли Туркия давлатига йўналтирилади. Шунингдек, Хитой, МДҲ мамлакатлари, Шарқий

Европа давлатлари ҳам комбинатнинг доимий ҳамкорларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда янги сотув бозорларини ўзлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Қатар, Австралия, Индонезия, Польшага махсулот экспорти амалга оширилди. Эндиликда Саудия Арабистони ва Жанубий Европа мамлакатлари ҳудудига чиқиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда мисни Лондон металл биржасида рўйхатдан ўтказишга ҳозирлик қилинмоқда.

Мис метали яшил энергетикага ўтишда ҳам энг қулай манба ҳисобланади. Қайнда Парижда иқлим ўзгариши бўйича бўлиб ўтган халқаро саммитда жаҳоннинг ривожланган давлатлари нефть ва кўмирдан воз кечиб, тоза, қайта тикланадиган энергетикага ўтиши жадаллашиб бораётгани таъкидланди. Бунда асосий эътибор мис ишлаб чиқарилишига ҳам қаратилди.

Мис иссиқлик ва электр қуввати энг яхши ўтказувчи ҳисоблангани боис, охириги 5 йилда ундан фойдаланган ҳолда, электромобиллар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Агар оддий автотранспорт воситасини тайёрлаш учун 8 килограмдан

20 килограмгача, автобусларда эса 224–369 килограмм мис ишлатилса, электромобилда бу кўрсаткич 83 килограмгача етади. Бу ўзгаришлар кейинги йилларда мисга бўлган эътиборнинг бир неча баробар кўпайишига олиб келади. Юртимиз иқтисодиёти учун бу ижобий ҳолат бўлиб, мис экспорти ҳажмининг янада ортishiга хизмат қилади.

Ушбу жараёнларда Президентимиз топшириғига асосан ташкил этиладиган мис саноати кластери локомотив вазифасини ўтайди. Йиғилишда малакали мутахассисларни жамлаб, мис саноати кластерини ташкил этиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш бўйича топшириқлар берилди. Кластернинг ҳар бир бўғини учун олий маълумотли муҳандис-технолог ҳамда ишчи мутахассисларни тайёрлаш, шу мақсадда, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари олиб борилди. Мазкур топшириқлар бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” ижросини таъминлаймиз.



2021 йил — ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

# Халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган, замонавий фикрлайдиган, ҳар соҳада билимдон ёшлар мамлакатга таянч бўлади

## замонавий фикрлайдиган, ҳар соҳада билимдон ёшлар мамлакатга таянч бўлади

Бошланғичи 1-бетда

Президентимизнинг ўтган йил 30 июндаги қарорига биноан, Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси фаолияти йўлга қўйилди. Худудларда "Лойиҳалар фабрикаси" иш бошлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

2018 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозими жорий этилди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига юклатилди.

Ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида 182 та вазирлик, идора ва ташкилотда етакчилар кенгаши ташкил этилди. Бошланғич ташкилот етакчиси лавозими учун алоҳида штат бирлиги ажратилиб, мақомига кўра раҳбарнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ёки маслаҳатчиси лавозимига тенглаштирилди.

Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятларидаги ҳарбий академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Худудларда туртта Президент мактаби, тўққизта ижод мактаби барпо этилди.

Фаол ёшлар томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида турли йўналишда 28 та ташкилот тузилди, фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар билан мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш учун худудларда "Ёшлар қабулхоналари" ташкил этилди.

Ёшларга қаратилган бундай эътибор, беқисс ғамхўрлик ва яратилган шарт-шароитлар йигит-қизлар ҳаётида янгидан-янги саҳифалар очилишига замин яратмоқда.

### Иши тайин ёшлар ҳам ўзига, ҳам жамиятга фойда келтиради

Бугун ёшлар қатламини ишли қилиш нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсидаги энг муҳим масалалардан бири. Чунки ишсиз, кирими йўқ одамнинг ҳаётида мақсади ҳам бўлмайдими. Мана шу каби омилларни инобатга олиб, мамлакатимизда йигит-қизлар учун иш ўрни яратишга катта эътибор қаратиляпти. 2017 йилдан буён 841 минг 147 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгаши қарори билан 2020 йилда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича манзилли режа тасдиқланди.

Президентимиз ташаббуси билан ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида янги тизим йўлга қўйилган. Ушбу қатлам учун маълумотлар базаси — "Ёшлар дафтари" шакллантирилиб, улар билан алоҳида манзилли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тизим дастлаб Бектемир ва Оққўрғон туманларида тажриба тариқасида амалга оширилган бўлса, энди юртимизнинг барча худудда уйма-уй юриш орқали

кўмакка муҳтож ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилмоқда.

Шу кунгача мамлакатимиз бўйлаб 8 минг 63 та маҳалладан 3 минг 515 таси ўрганилиб, 562 минг 91 та хонадон хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасида 79 минг 604 нафар (шундан 36 минг 867 нафари хотин-қизлар) меҳнатга лаёқатли, банд бўлмаган ёш аниқланди. 49 минг 156 нафарини "Ёшлар дафтари"га кириштириш белгилан олди. Келгусида улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади ҳамда бандлиги таъминланади.

Йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ёшлар бандлигини таъминлаш борасида йиллар синновдан ўтган тажриба саналади. Шу маънода, "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури доирасида 7 минг 690 та бизнес лойиҳага жами 1 триллион 614 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағ ажратилгани қўллаб-қувватлашнинг улкан кўмак бўлди. Энг муҳими, 39 минг 577 та янги иш ўрни яратилди. Давлат дастури доирасида ёшларнинг 30,2 миллиард сўмлик 57 та лойиҳасига кафилилик тақдим этилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашлариغا кўмаклашилди.

Худудларда 25 та "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-маркази ҳамда 157 та "Yoshlar mehnat guzari" комплекси фойдаланишга топширилиб, уларда 1 минг 787 та янги иш ўрни яратилди. Шунча ёш ишли бўлиб, оиласи даромадида хисса қўшяпти.

Ёшларга оид дастурлар доирасида йил бошдан буён 24 та Ёшлар эноити, 118 та лойиҳа йўлга қўйилиши натижасида 843 та иш ўрни очилди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳали давом этади. Президентимиз раҳбарлигида шу йил 13 апрель кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида 2021 йил иккинчи чорагида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча секторлар ва маҳаллалар бўйича режа тасдиқланди. Унга кўра, иккинчи чорада 229 минг 832 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш белгиланди.

"Ёшлар дафтари" жамғармаларида жорий йил давомида 167 миллиард 539 миллион сўм маблағ шакллантирилди. Бугунга қадар ушбу маблағ ҳисобидан 34 минг 253 нафар ёш қўллаб-қувватланиб, 42 миллиард 371 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳоёси бор йигит-қизга кўмак беришнинг энг яхши йўли — керакли маблағ билан таъминлаш. Етарли пулга эга бўлган инсон ўзини ҳам, бошқаларни ҳам иш билан таъминлайди. Оиласига фойда қилтиради. Шу боис, ёшлар тадбиркорлигини микрокредитлашнинг янги тизими жорий этилгани ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга бизнесни бошлаш учун 33 миллион сўмгача микрокредитлар таъминотсиз, микрофирма ва кичик корхона таъсисчиларига 225 миллион сўмгача микрокредит ажратилди.

2021 йилда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ёшларга 45 миллион АҚШ доллари, уларни касб-ҳунар,



хорижий тилларга ўқитиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга 5 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилади. Бундан ташқари, 15 минг нафар ёшни ўқитиш ва ўз бизнесини бошлаши учун кенг имконият яратилади.

"Микрокредитбанк" АТБ билан ҳамкорликда тажриба тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида кредит олиш истагидаги ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш учун қисқа мuddатли ўқув-семинар ташкил этилди. Уни муваффақиятли тамомлаган 20 нафар йигит-қизга Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасида 1 миллиард 31,7 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон — Корея халқаро университети ва Бухоро давлат университетида таълим-синов тариқасида бизнес акселератор фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида www.accelerators.uz сайти ишга туширилди.

### Ватан ичра ватанли ёшлар

Оила куриб, мустақил ҳаётга қадам қўйган йигит-қизлар учун шахсий уй-йўлга эга бўлиш бирламчи ташвишга айланади. Фарзандлари ўз хонадонда улғайишни, расо ўсишини истади.



Ота-онасига ортиқча юк бўлишни хоҳламайди. Ўз уйинг — улан тўшагинг, деган мақол бежиз айтилмаган.

Бу борада ҳам давлатимиз томонидан бажарилган улкан саъй-ҳаракатни айтиш жоиз. Жумладан, 2017–2019 йилларда 2 минг 668 та ёш оиллага "Ёшлар уйи" тақдим этилди. Боз устига, 121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов 20 йил давомида фойсиз қайтариш шарти билан тўла берилди.

Мазкур йилларда олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида тахсил олаётган чин етук, ноғирон, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ва "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳиммага муҳтож 516 нафар талабанинг тўлов-шартнома пули тўлаб берилди.

### Қўллаб-қувватланаётган иқтидор

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган, юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажак бунёдкори" медаллари таъсис этилди.

Вазирлар Мақамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон ёшлар

иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори асосида 42 нафар фаол ёш давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига ўқитиш қабул қилинди.

2018–2019 йилларда олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура йўналишларида тахсил олаётган талабалар орасидан уртача ўлаштириш кўрсаткичи 86 фойс ва ундан юқори бўлган 3 минг 488 нафар талаба ёшнинг шартнома тўлови (35 фойси) учун 9,88 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, 2018–2020 йилларда мамлакатимиз кўрогли кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган 17 минг 7 нафар талабанинг шартнома тўлови (35 фойси) учун 50,1 миллиард сўм йўналтирилди.

### Соғлом муҳит сари йўл

Бағрикенглик, кечиримлилик халқимизга хос юксак фазилат. Ҳамма даврларда унга қатъий риоя қилинган. Кечиримли инсонлар улугланган. Айниқса, хатоларидан тўғри хулоса чиқарган ёшларнинг оддий ҳаёт тариқасидаги ўтишига кўмаклашилган.

Инсонпарварликка асосланган бу аънава ҳозир ҳам бардавом. Биргина мисол. Охириги тўрт йилда соғлом турмуш тариқасида қайтгани учун 6 минг 383 нафар воғая етмаган ўғил-қиз ва 2 минг 944 нафар ота-она ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобидан чиқарилди. Шунингдек, ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан турган 7 минг 968 нафар воғая етмаган шахс ёшлар ташкилоти тавсияси асосида махсус ҳисобидан учирилди.

Олий суд ва Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ўртасида 2017 йил 5 декабрда ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унга кўра, ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга жазо тайинлашда Ёшлар иттифоқи қаролат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш механизми жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида адашиб жиноий йўлга кирган, содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пўшаймон бўлган 780 нафар йигит-қиз Ёшлар иттифоқи кафилигида суд залидан озод қилинди.

### Синовларда тобланган ирода

Коронавирус инфекциясининг юртимизга кириб келиши халқимизнинг бирдамлиги, яқдиллигини яна бир бор синовланган ўтказди. Айниқса, пандемия даврида ёшларнинг қўлга шижоати, меҳру оқибати, катталарга елкадошлиги таҳсинга сазовор бўлди.

Кучайтирилган карантин пайтида ҳам ёшларнинг илм олишга қизиқиши сусаймади. Биргина телеграм ижтимоий тармоғида "Masofaviy ta'lim" саҳифаси ишга туширилиб, унга 140 дан ортиқ дарс материаллари joyлаштирилди. Қувонарлиси, ҳозирги кунда

ҳам 6 миллионга яқин ёш ушбу дарслардан унумли фойдаланаётир.

Мамлакатимиздаги 11 та Ёшлар марказининг 190 та тўғрагида он-лайн машғулотлар ташкил этилиб, уларда 3 мингдан ортиқ ўғил-қиз касбга ўргатилди.

"Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан ёшларни уй шартларида даромад олишга қароғовчи "Yuda qol — foyda ol" он-лайн танлови ташкил этилди. 35 минг йигит-қиз қатнашган лойиҳада 36 нафар иштирокчи мукофотланди. Бундан ташқари, ёшларга он-лайн бизнес ўқувлар ўтказилди. Шу билан бирга, жамғарма томонидан 8 мингдан ортиқ видеодарсни ўзида жамлаган махсус ўқув портали яратилди.

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар томонидан 3 миллиард сўмга яқин хайрия ва ҳомиийлик ёрдами кўрсатилди.

Жойларда ёш тадбиркорлар ташаббуси билан мингта эҳтиёжидан оила оталиққа олиниб, карантин яқинида қадар уларнинг ҳолидан хабар олиб турилди.

### Ҳамкорлик дунё бўйлаб қулоч ёзмақда

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштиришда халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий давлатлардаги 13 та ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик битими имзоланди. Хусусан, ўтган қисқа вақт мобайнида Хитой, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Германия, Озарбайжон, Туркия, АҚШ, Миср, Беларус каби давлатларнинг ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Чет элда ўқитган ёшлар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 2017 йил 22 декабрь кuni Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси ва Германия Федератив Республикасидаги элчихоналарида ассоциациянинг ваколатхоналари очилди. АҚШда Америкадаги ўзбек ёшлари ассоциацияси рўйхатдан ўтказилди. Туркия, Япония, Миср, Жанубий Кореяда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг вакиллари ва координаторлари фаолият юритмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда ёшларнинг орзу-интилошлари, илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларини юзага чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шартларини яхшилаш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар аса мамлакатнинг бугунги ва эртанги тарақиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб борапти.

Кейинги йилларда миллий маданиятимиз, маънавиятимизни юксалтириш борасида олиб борилётган ишлар маданият ва санъат соҳасига кириб келаётган ёшлар қалбида соҳага бўлган муҳаббатни янада оширмоқда. Хусусан, бахшичилик ва мақомчилик санъатига берилаётган юксак эътибор моҳир бахши ва мақомчиларимизнинг муносиб ворисларини тарбиялашга хизмат қилляпти.

# Ягона орзум — мақомчилик санъати сеҳрини дунёга намойиш этиш

Айниқса, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институтининг ташкил этилиши мақомчилигимиз тарихида муҳим воқеалик бўлди. Зеро, ёш бўлса-да, уста мақомчилар эътиборига тушаётган фарғоналик Аббосжон Гафоров сингари юзлаб ёшлар мана шундай таълим даргоҳларига муносиб.

Ёшлардан миллий мумтоз музыкага меҳри банд бўлган ёш мақомчининг санъат оламига кириб келишида, шунингдек, бугунги муваффақиятларида

оилавий муҳитнинг роли катта бўлди. Оила аъзоларининг барчаси музыкага ошно инсонлар. Оилабoshi Исмолжон Саттаров моҳир доирачи, ашуларлар ҳам хиргойи қилиб туради. Истеъдодли ёш Аббос ўрта мактабни тамомлаганидан сўнг Қўқон шаҳар тасвири ва амалий санъат коллежида устозлари Иномжон Юсупов, Шероджон Турсунов қўлида сабоқ олди. 2011 йилда коллежни тамомлаб, Ўзбекистон давлат консерваториясига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Бу ерда у марҳум устози, Ўзбекистон халқ ҳофизы Маҳмуджон Тожибоев, доцент Шавкат Матёқубов, Муҳаббат Солиховадан мақом санъати сирларини пухта ўрганди. Талаба бўлишига қарамай, Ўзбекистон давлат филармониясида Ўзбекистон халқ ҳофизы Маҳмуджон Йўлдошев каби тажрибали устозлар билан биргаликда фаолият олиб борди.

2015 йилда Ўзбекистон халқ ҳофизы Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган Республика кўрик-танлови

да иккинчи ўринни эгаллаши Аббосни янада тинимсиз ишлашга руҳлантирди. Ана шу меҳнатлари самарасида 2021 йили Юнус Ражабий номидаги Республика мақомчилар кўрик-танловида голибчилик қўлга киритди. Давлат тадбирларида мунтазам қатнашишдан ташқари Сурхондарёдаги бахшичилик фестивалининг очилиш маросимида, "Шарқ тароналари" халқаро фестивалида, Қўқон шаҳри мезбонлик қилган хунармандчилик фестивалида фаол иштирок этиб келяпти. Айни пайтда

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка ва санъат институтининг магистратура босқичида тахсил олиш билан бирга, Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамблида устози, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигида фаолият олиб борапти.

Ўзбек мақомчилигининг умидли вакилидан келажак режислари ҳақида сўраганимизда, "Ягона орзум — маданий мерос сифатида ЮНЕСКО рўйхатига кирган миллий мақомчилик санъатимиз сеҳрини бутун дунёга намойиш этиш", деди гурур ва ифтихор билан.

Қалбига юрт номини улуглашдек хайрли мақсадни жо қилган истеъдод соҳибига орзулари рўёбини тилаб қолаймиз.

Муножат РАҲИМЖОН қизи, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ХАЛҚ ҚАЛБИДАГИ АДИБ



Дамин Тўраев, Қарши давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори атоқли адибнинг муҳлислари, китобсевар халқимизни беҳад қувонтирди. Ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар ўз ичидини жамият раънақиға, халқимиз маънавиятини юксалтиришга, одамларнинг муаммо, қувонч ва дардларини ўз асарларида бадий талқин қилиб, ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорга эъзоз ва эҳтиром ифодасидир.

Ўтган асрнинг 60-йилларида бир қатор ҳикоя ва қиссалари билан адабиётимизга кириб келган Ўткир Ҳошимов йиллар ўтиб наслимиз дарғалари қаторидан жой олди. У дастлабки асарлари билан оқ адабий жамоатчилик ва китобхонлар эътиборига тушиб, бахсларга сабаб бўлди. Асарларидаги одамлар ҳаёти ва руҳий оламнинг жозибали, айна пайта содда тасвири ёзувчининг муҳлислари кўпайишига сабаб бўлди. Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор "Чўл ҳавоси" қиссасидаги соф табиий ифода тасвири ўқимишликни юзага чиқарганини таъкидлаб, табрик мактубини ҳам ёзган эди. Устоз адибни, айниса, асарнинг хат шаклида битилгани қизиқтирган эди.

Асарда ёшлар ҳаёти жамиятдаги ижтимоий воқеалар фониди очила боради. Қисса қаҳрамони Ботирнинг таржимаи ҳоли, чўлдаги фидойи меҳнати туфайли обрў орттириши, эзгуликнинг инсон ҳаётини безашдаги ўрни фалсафий мазмунда тасвирлаб берилди. "Одамлар нима деркин", "Баҳор қайтмайди", "Шамол эсаверади", "Қалбинга қулоқ сол" каби кетма-кет нашр этилган қиссалар эса ёзувчи ижодини китобхонлар орасида янада машҳур қилди. Ёзувчи илк ижодидаги бу машҳурлик асарларнинг ёшлар ҳаётига бағишлангани, уларда инсон қалбини ларзага соладиган муаммолар, миллий қадриятларнинг ҳаёт воқеаларига монанд ва ҳассос тасвирлишида эди.

Ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Қалбинга қулоқ сол" қиссасида ёзувчининг инсонийлик ҳақидаги қарашлари намён бўлди. Бунга қадар XX аср ўзбек насрида ёшлар ва талабалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Сароб" (А.Қаҳҳор), "Уч илдиш" (П.Қодиров) ва "Муқаддас" (О.Ёқубов) каби асарлар мавжуд эди. Албатта, ҳар бир ёзувчи ўзгача бадий талқин этилган бирон-бир мавзунга қаламга олиш жараёнида ўз ижод услубига хос тасвир тамойилларини ҳам кўрсатишга интилади. Ўткир Ҳошимов қиссада ёшлар ҳаёти мисолида оила, муҳаббат, ахлоқ каби масалалар хусусида гуманистик қарашларини баён қилган.

Асар сюжети тўқимасида асосий фон сифатида "Темурийлар даври санъати"га бағишлаб ўтказилган тадбир билан боғлиқ оддий бир воқеа танланиб, талабалар — Чарос ва Ёдгор, мактаб ўқувчиси Дилфуза ва ўқитувчи Васила Назаровна образлари талқинида инсон қалбига қулоқ тутиш ва уни асраб-авайлаш гоёси олға сурилади. Муаллиф инсоннинг фақат ўзигагина хос бўлган дахлсиз дунёсига ҳам ҳукм ўтказувчи давр мафқурасининг ғайринсоний хусусиятларини воқеалар тасвири тағ замирида сездириб боради. Қолаверса, асар қаҳрамонларининг темурийлар даври, илм-фан ва маданиятимизга оид сўхбатларининг тасвири Чароснинг Беҳзод рассомчилик мактаби, Ёдгорнинг Урта осийлик олимлар тўғрисидаги мушоҳадаларини бадий талқин этиши бу талабаларнинг маънавий дунёси нечоғлиқ теран ва миллий заминга ҳаммоҳанг тасвирлиниши ўша давр учун жасорат эди. Қиссада қаҳрамонлар характери босқичма-босқич очилиб боради, таъсирчан тасвир туфайли китобхонда кўтаринчилик, қизиқувчанлик кайфияти юзага келади. Бунинг биригина мисолини Ёдгор ва Чарос севгисига қарши турганларнинг институтга жўнатган шикоят хатлари бўйича ёшлар ташкилотда бўлиб ўтган баҳс-мунозарани эслаш қийоғидир. Иштирокчиларнинг мажлисида "Муҳаббатнинг саройи кенг-у, аммо унга икитадан кўп одам сиймайди", "Сиздан сўраб ўтирмасдим", "Вақтингиз кўп бўлса, бировнинг юрагини қовлаб ўтиргандан кўра, ана, қурилишга бординг!" тарзидаги севги ва оилага муносабат билдиришларида давр

ёшларидаги маънавий ва маданий камолотни, уларнинг руҳий теран оламларини кўраминиз. Умуман, ҳақонийлик ва бадийликни яхлит ҳолда тушунган Ўткир Ҳошимов қиссада воқеалар ва характерлар табиийлигини сақлаган, ҳаёт воқелиги бутун мураккаблиги билан акс эттирилган.

Адибнинг "Баҳор қайтмайди" қиссаси ҳам XX асрнинг 70-йиллари одамлари — ёшу кекса барчанинг қалбини забот этди. Айниса, асар асосида видеофильм яратилиши унинг шухратини янада оширди. Қиссада инсон тақдирида муҳим ўрин тутадиган, қолаверса, унинг қисмати белгиланган феъл-атворнинг оқибатларини кўрсатиш бадий талқин асосини ташкил этади. Ёзувчи асосий образ Алимардонни истеъдодли хонанда сифатида қиссага олиб киради. Бироқ у ўз истеъдодини тарбиялаш, халққа бахшида этиш ўрнига худбинлик ва шухратпарастлик йўлини танлайди. Алимардон образида ёзувчи идеалини ташийдиган, асар сюжетини мукамаллаштирадиган жуда катта гоёвий юк бор. Асардаги диққатга сазовор эпизодлар ва қаҳрамонларнинг деярли барчаси Алимардон образи атрофида тўпланади. Унга баъзан муҳаббат, баъзан нафрат билан муносабат бўлади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, қиссада реал ҳаётдан олинган, содир бўлиши мумкин бўлган инсоний ҳолатларни изчил ва ишонarli ёритган. Дустига хиёнат қилган ва шухратпарастликка берилган Алимардон асар якунида ҳалокатга ҳукм қилинади.

Бу тасвир баъзи китобхонларда турлича фикр уйғотгани ҳам рост. Мен ҳам

соғ қолганида ҳам, асарнинг умумий қиммати пуртар етмаган бўларди. Хуллас, гап хотимада эмас, балки қисса қаҳрамонларининг кўз ўнгимизда содир бўладиган муносабатларида, шу муносабатлар замиридаги ҳаёт ҳақиқатида, деган эди. Дарҳақиқат, устоз таъкидлаган тасвирдаги ҳаёт ҳақиқати ана шундай ечимни — хотимани тақозо этади. Ёзувчи концепцияси ҳам асосий омил сифатида кўзга ташланмоқда,



яъни бу концепцияда инсонга инъом этилган умр баҳори ҳар йили такрорланиб келадиган баҳор фаслига қарама-қарши қўйилмоқда. Бу билан муаллиф агар инсон ўз умридаги ана шу фаслни беҳуда ўтказса, гуллайти-ю, ҳосил бермайди, деган гоёни олға суради.

Адиб "Дунёнинг ишлари" қиссаси билан мушфиқ ва болажон ўзбек аёлига ҳайкал яратди, онаизорига бўлган меҳрни туҳфа этди. Қисса бир қарашда автобиографик йўналишни эслатса-да, фалсафий мазмунга эга бўлган лирик кечинмаларга бой психологик асар. Асарнинг номлини ҳам китобхонни ҳаёт ва унда инсоннинг ўрни, дунёвий муаммолар ҳақидаги мушоҳадаларга етаклайди. Муаллиф асарда ўз онаси образини тасвирлаш давомида халқимизга хос бўлган ижтимоий бурч, маънавий-ахлоқий ақидалар — меҳр ва эзгулик, фарзанд ва яқинларига муҳаббат, болажонлик хусусида сабоқлар беради. Энг муҳими, китобхон асарни ўқиш жараёнида ёзувчи ўсиб-ўлғайган Думбировод мавзесидидаги одамлар ҳаёти, маҳалладаги удумлар, халқ ривоятлари билан танишади. Асарда адабий маконнинг бундай аниқ-равшан тасвирлиниши она билан бирга бошқа образлар ҳаракат қилаётган ижтимоий ва табиий муҳитнинг ҳам ишонarli, ҳаётий чиқишини таъминлаган.

Ёзувчининг "Нур борки, соя бор", "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" асарлари ўзбек романчилигини янги саҳифалар билан бебади. Бу романлар жанрни мавзу ва муаммолар, шакл ва мазмун ҳамда ҳаётий



образлар билан бойитди. "Нур борки, соя бор" романида давр қаҳрамонининг бақувват характерини яратгани таҳсинга лойиқдир. Ёзувчининг бундай қаҳрамон яратишдан мақсади давр камчиликлари, хусусан, порахўрлик борасида ўз мулоҳазаларини баён қилиш эди. Роман марказида журналист Шерзод образи туради. Шерзоддаги ташаббускорлик, ҳалоллик, инсофлилик, меҳнатсеварлик, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва инсоний эътиқодини эъзозлаш каби хулқ-атворга тегишли хислатлар унинг индивидуал қиёфасини чуқур очиб беради.



Ўткир Ҳошимовнинг ўзбек романчилиги жанри ривожига қўшган ҳиссаси "Икки эшик ораси" романида янада ёрқин намён бўлди. Адиб бу асари билан романчилигимизда қаҳрамонлар сони ва сифатини янгилаш ҳамда кенг қўламли тасвирлаш борасидаги излашларни илмий-адабий жамоатчилигини эътиборига ҳавола этди. Романда халқимиз ҳаётининг улкан бир даври, яъни XX асрнинг 30-йилларидан то

70-йилларнинг охири — турғунлик йилларига қадар бўлган давр воқеалари эпик тасвир қамровига олинган. Шунини эслаш жоизки, адабиётимизда, хусусан, романчилигимизда эпик қаҳрамоннинг туғилган кезларидан бошлаб то шаклланиши, ҳаётнинг туб моҳиятини англаб етиши, яшаш ва бу турғун тарихига бўлган катта давр буртунисича қамраб олинмаган эди. Рангбаранг воқеалар, персонажларнинг кўпчилиги романинг кўп тармоқли мураккаб сюжетини юзага келтирган. Энг муҳими, ҳаёт сновларидан ёруғ ўз билан ўтган инсонлар образи роман саҳифаларига ёрқин нур сочиб турса, халқ ва ватан учун мушкул дамларда фақат ўзини уйлаган, ўзигини йўқотиб, шармандалик ботқоқига ботган, руҳий дунёси чиркин бўлган баъзи инсонлар эса асар гоёсининг ёрқинроқ, таъсирчанроқ чиқишига хизмат қилган. Роман гоёсининг юзага чиқишида бадий образларга хос умумийлик билан хусусийлик уйғунлашиб кетган. Айна шу жараёнда образли гоё индивидуал кўринишдаги типикликка айланган аниқ ва ҳиссий бирлини юзага келтирган. Ёзувчи айтмоқчики, одамзоднинг умри у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетишдек гап. Ана ўша икки эшик орасидаги масофа — ҳаёт, деб аталади.

"Тушда кечган умрлар" романида ёзувчининг ниҳоятда кенг мазмун-моҳиятга эга бўлган фалсафий нигоҳини кўраминиз, жамиятнинг қандай нафас олаётгани хусусидаги мулоҳазаларидан ўйга толаминиз. Роман собиқ шўро тузуми иллатларини фош этувчи асар сифатида кейинги йиллар наслримизда алоҳида ўрин тутди. Асар қаҳрамони Рустам. Полвонкелбат, айна қучга тўлган йигит 22 ёшида ўз жонига қасд қилди. Унинг ўн гулдан бир гули очилмай, ҳаёт наҳидасини тотмай, севги-муҳаббат суруридан завқланмай бу ишга қўл уришига нима сабаб? Китобхон романда ана шу саволларга жавоб топади. Тасвирда Рустам тақдирини чилпарчин қилган шўро тузумидаги ғайринсоний сиёсат, афғон урушининг байналмилаллиги авра-астарига ча очиб ташланади. Дарвоқе, асарнинг номлини ҳам шўро жамиятидаги қалбаки турмуш тарзининг моҳиятини очиб беради. Жамиятга ўз ҳаётини бахшида этган, "коммунист" эътиқоди учун сидқидилдан меҳнат қилган қолзоқ раиси — Рустамнинг отаси туҳмат туфайли қамалган, ўғлига бутун вуқудини қақшатган, умрини қўққа соверган ҳаёт ҳақида ёзган хатига шундай жумлалар бор: "Уйлаб қарасам, ўтган умрим — умр эмас, туш экан. Гўё мен эсимни таниб-танимай биров уққо дори ичирган-у, туш кўриб юраверганман...".

Ўткир Ҳошимовнинг бу романларида улар қайси даврда яратилишидан қатъи назар, даврнинг муҳим

муаммолари, халқ қалбидидаги туғён, инсоний қадр-қиммат ва миллий қадриятларнинг миллат келажигидаги ўрни рўйи-рост тасвирланади. Уларда олға сурилган ўлмас гоёлар бугунги авлод учун кечаги кун ҳақида сабоқ беради ва улар мустақилликнинг мазмун-моҳиятини англашида муҳим маърифий аҳамият касб этади.

Ёзувчи ижодий меросида ҳикоя жанридаги асарлари ҳам салмоқли ўрин тутди. Айниса, инсонийлик ва ижтимоий бурч, ҳаёт ва ўлим, поклик ва фидойилик, севги ва қадрият мавзуларида яратилган "Дехқоннинг бир куни", "Урушнинг сўнгги қурбони", "Муҳаббат" каби ҳикоялари ўзбек ҳикоячилиги жанрини поэтик жиҳатдан бойитди. У ўзбек публицистикасининг мазмунан бойишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган эди.

Адибнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси (1981 йил 18 сентябрь)да эълон қилинган "Қалбнинг оппоқ дафтари" номли мақоласи кундузи содир бўлган ҳаётбахш момақалдироқ янглиғ жаранглади, чунки унда шўро жамияти маънавий ҳаётдаги оғриқли нуқталардан бири ёш авлодни ўқитиш-ўргатиш, ўқитувчилик касбига нисбатан эътиборсизлик масалалари қаламга олинган эди. Мақолада шўро давридаги мактаб ва таълим, мактаб ўқитувчинининг обрўси ва масъулияти, баъзи амалдорларнинг бу шарафли касбга бепасандликлари натижасида таълим-тарбия сифатининг пасайиб кетгани очикдан-очик, танқидий таҳлил қилиб берилган эди. Ёзувчининг жасорат билан кўтарган бу муаммоли мақоласи бутун республикада катта шов-шувга сабаб бўлди. Турли касбдаги мутахассислар ёзувчи фикрини қувватлаб, мақолалар эълон қилди, муаллифта хатлар ёзиб, ўз миннатдорчиликларини билдирди.


Ёзувчининг "Оила битта, Ватан ягона", "Биз ҳеч кимдан ҳам эмасмиз", "Истиқлолни асрайлик", "Кечани унутмаган — бутунни қадрлайди" сингари публицистик мақолаларида истиқлолнинг қадрига етиш ва Ватанга фидойиликни улуғловчи гоёлар теран мазмунда ифодаланган. Бу мақолаларда адиб ўз замондошлари эътиборини янги жамият куриш учун ҳар бир миллатдоши-



миз ҳаётга янгича ёндашиш ва янгича фикрлаш, янги жамиятнинг маънавий иқлимни яхшилаш ҳамда миллат қадрини кўтариш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш каби ижтимоий-маънавий масалаларга қаратади.

Адиб адабий сўхбатларнинг бирида "Шундай асар ёсангиз, китобхонлар уни ўқийдиганларига ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Китобни ўқиб бўлган кунни кечаси билан ухламай, тўлғониб чиқса... вақти келиб ўша китобни яна қўлига олганида ҳаяжонга тушса... Орузм шу...", деган эди. Фаҳр билан айтиши мумкинки, севимли адибимиз ҳаётлик давридаёқ бу орузига эришган эди. Ўз даври китобхонлари унинг ҳар бир ҳикоя, қисса, романларини ўқиб, "кечаси билан ухламай, тўлғониб" чиқиб, бахслар уюштирганларини; Зиёда, Алимардон, Чарос ва Ёдгор, Шерзод, Пошшо олим, Музаффар ва Мунаввар, Рустам ва Шаҳноза каби "қаҳрамонлари билан яшаган"ларини бугунги катта авлод вақиллари яхши эслайди.

Ўткир Ҳошимовдан улкан адабий мерос қолди. Бугунги авлод унинг китобларини қўлга олганда, халқимизнинг кечаги турмуш тарзини, ҳаёт муаммолари ва ҳаёт бунёдкори инсон қисмати ҳақидаги бадий талқинларини ўқиб, мулоҳазалар берилиши ва ҳаяжонга тушиши табиий. Демак, мумотз адибимиз ижоди юртимиз маънавий ҳаётида ҳар доим ҳамнафас ва ҳамкор бўлиб қолаверадими.



адабиёт ихлосманди сифатида адиб ижодий лабораторияси ҳақида излашнилар олиб борганам ва уларнинг баъзиларини матбуотда эълон қилганман. Тўғриси айтсам, асардаги Алимардон Тўраевнинг фожиали қисмати ҳақидаги: "Ер юзида қайта гуллаш, қайта ҳаёт бошланган эди, ёлғиз унинг — Алимардон Тўраевнинг баҳори ўтган эди", деган гапим сатрлар мени ҳам қайғули холатга солиб қўяр ва оиламиздаги фожиали кунларни эсга солар эди. Янада аниқроқ айтсам, оиламизнинг бош фарзанди, зиёли инсон, ҳаётдан эртан кетган акам Хушвақт Тўраевдан қолган ёдгорлик — фарзандининг исми-шарифи ҳам Алимардон Тўраев эди. Асарни ўқиб чиққач, таниқли ёзувчимиз хизмат қиладиган "Тошкент оқшоми" газетаси таҳририятига бориб, муаллиф билан учрашдим. "Ўткир ака, асарингиздаги шу парча юрагимни зиб юборди. Қаҳрамоннинг исми-шарифи бошқа бўлганда ҳам бошқа гап эди. Ахир, менин укаларимдан бирининг исми ҳам Алимардон Тўраев", дедим. У кишининг эса: "Ўзингиз биласиз, бу бадий асар, прототипини ҳам биласиз. У ҳаёт. Хали ҳам одамлар ардоғидаги санъаткор. Шу ўринда Лев Толстойнинг Анна Каренинаси ёки устоз адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг Раҳим Саидийси қисмати эсланг", дегани эсимда...

Устоз Озод Шарафидинов қисса ҳақидаги мақолаларининг бирида "Алимардон, мабодо, ҳалокатга учрамай,



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим Дониёров

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" М-Ж масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридида  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2135.  
78817 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Гулчехра Дурдиева  
Мусаҳҳир: Асолат Шербекова  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбучтичлар кўчаси, 32-уй  
Ў.А. яқини — 22.40 Топширилди — 00.15